

АҲМАД АЪЗАМ

КИЧИК ИЛМИЙ ХОДИМ ҲАМДАМОВ

Ҳикоя

Кичик илмий ходим Ҳамдамов симёғочга суянганча сигарет тутатаётган икки ўсмирга лоқайд нигоҳ ташлаб ўтиб кетдию тўрт-беш одим юрмасданок қулоғига уларнинг гапи чалиниб қолди.

— Маҳаллангдаги истаган одамингни чалпак қиламан.

Униси нимадир деб ҳиринглади. Ҳамдамов қулоғини динг қилди, аммо эшитмади. Ҳалиги ўсмир овозини баландлатди:

— Қани, айт-чи, ким мен билан чиқади? Биттаси анавими?

“Анави” Ҳамдамов эди. Ҳозир қайтиб бориб, бу мишиқини бир солса, чаппа ағдарилиб тушади-ю, бироқ катта кўчада ҳаммага шарманда бўлади-да ёш болага қўл кўтаргани учун. Лекин кўрқитиб қўйиши ҳам керак, бўлмаса ҳар ўтганида майна қилавериб жонига тегади. Буларга бир ён бердингни — тамом, кейин томошангни кўраверасан.

Ҳамдамов бир қарорга келгунча яна тўрт-беш одим юриб, ўсмирлардан узоқлашиб қолган эди.

У шахд билан ортига қайрилди-ю, нима дейишини билмай, ўсмирларга тикилганча тек туриб қолди. Жин урсин, нима қиларди, қайрилиб! Тўғри йўлдан кетавермайдими, шуларга бас келиб қанча обрў топарди.

Дамдамовга тегизиб гапиргани тикроғи эди, унинг ўгирилишини кутиб турганди шекилли, бирдан ўшқирди:

— Ҳа, акам, нимага қарайсиз? Бирон нарса демокчимисиз менга?

Ҳамдамов яна бир зум гарангсиб турди-да;

— Қани, буёққа кел-чи!—деди.

Овози сал титраб чиққани учун кўнгли ғаш тортди. Дағалроқ гапириш, дўқ уриш керак эди.

Ўсмир жойидан жилмагач, Ҳамдамовнинг ўзи у томонга юрди. Шундан сўнг ўсмир ҳам Ҳамдамовга қараб хезланиб келаверди.

Ё ўнинчида ўқийди, ё шу йил битирган. Урсамикин, а? Ҳеч портфель кўтармаган одам келиб-келиб шу бугун...

Ҳамдамов бир қўли бандлигидан жуда афсуслан-ди.

Усмир икки қўлини белига тираб Ҳамдамовнинг қаршисида ғоз турди.

Кўрқмайди ҳам. Вой, сенинг қоракуя суртилган мўйлабчаларингга...

— Мени танийсанми ўзи?—Ҳамдамовнинг тилига келган гап шу бўлди.

Ўсмир ишшайди:

— Йўқ!

Ростдан ҳам. Ўзи яқинда кўчиб келган бўлса, бу бола уни қайдан танисин. Шунақа ҳам бўлмағур савол бўладими?!

Ҳамдамовнинг кўнгли хижил бўлди.

— Қаерда ишлашимни ҳам билмайсанми?

Ўсмир яна ишшайди:

— Йўқ!

У-ух, сурбет! Башарасига тушириб қолсами!.. Лекин одамлар нимага урдинг, дейишса, бнронта жиддийроқ сабабни рўқач қилиш керак-да.

Ҳамдамов, хуноби ошиб, бошқа гап эсига келмаганидан яна ўша саволини такрорлади:

— Билмайсанми!

— Билмайман. Ўзингиз айта қолинг, — деб эриклади ўсмир,— одамни кўп қийнаманг. Қаерда ишлайсиз?

Ҳамдамов индамади. Билдики, айтса баттар калака қилади. Кичик илмий ходимлигию академияда ишлаши буларга бир пул. Шунақа ҳам аҳмоқона савол бўладими?! Кўнглида бошқа гап-у, тилида... Бунақа ади-бади айтишиб ўтиргандан кўра, келибоқ солиб қолиши керак эди. Дўк уришни эпполмагандан кейин... Энди кеч-да.

— Милицияда ишлайсизми, а?—дея ижикилашда давом этди ўсмир.— Мени қамаб қўясизми? Вой, қаманг!

Билади-да, милицияда ишламаслигини. Шунинг учун ҳаддидан ошяпти.

— Йўғ-э,— деб чайналди Ҳамдамов.— Сени қаматмоқчи эмасман, сал... мундоқ, ўзннгни... Қаерда туришимни ҳам билмайсанми?

Оббо, яна шунақа савол берадимиз, а?

У шоша-пиша саволига ўзи жавоб берди:

— Мен ҳу анави яшил дарвозали уйда тураман. Тўртинчи. Истаган пайтда боришларинг мумкин.

- Ароқ ҳам қуйиб берасизми?—деди ўсмир жуда эшилиб кетгандай.

Ҳамдамов кейинги гапини кўплашиб боришса ҳам муштлашишга тайёр эканлигини писанда қилиб айтган эди, ўсмир бутунлай бошқа нағмага ўтгандан сўнг сал довдираб, гапини йўқотиб қўйди.

— Боринг, ака, йўлингиздан қолманг!—деди ўсмир дабдурустдан, сиз ҳам одамми, дегандай.

— Э-э, сен жуда аҳмоқ бола экансан-ку!—деди Ҳамдамов бош чайқаб.
Ўсмирнинг кўзлари чакчайиб кетди!

— Ким аҳмоқ?

— Бор-э, сен билан пачакилашиб...

Ҳамдамов гўё каттиқ афсуслангандай бир кўл силтадию ортига ўгирилди.

— Вой, ака, қамаб қўймадингиз-ку, уни!—деб қичқирди шу пайт уларнинг баҳсига аралашмай бир четда турган иккинчиси.

Ўсмирлар шарақлаб кулишди.

Ҳамдамов тишини тишига босди. Энди ортига қайтса ёмон бўлади.

Агар қайтса...

Ҳамдамов ўсмирларга қарамай, яна бир марта “Бор-э!”—дея кўл силтаб йўлига равона бўлди.

Дарвозанинг эски, занглаган кулфи ҳадеганда очилавермагач Ҳамдамовнинг ўбдон ғазаби ошди. Уйда ўтириб устларидан дарвозани кулфлаб олишади-я. Ўғри уриб кетармиди!

У шарақ-шуруқ қилиб дарвозани очгунча бўғилиб кетди, калитни синдиришига оз қолди.

Она сути оғзидан кетмаган мишиқилар! Бир урсанг етти юмалаб турадию бодиланишини айтмайсанми! Ҳе ўша...

Хуррам келибди. Семириб кетганини қара! Ўттизга чиқмасданок қорин қўйиб... Йигит деган сал уёқ-бу-ёғига қараб юрмайдими. Тикмачоқ! Дўмбоқ! Ўл-е!

Хуррам кучоғини ёзиб пешвоз чиқди.

Ҳозир лабини чўччайтиради — ўпишиб кўришмоқчи. Ҳамдамов ўзини орқага тортиб кўлини чўзди

— Яхшимисиз? Қалай энди?

Шундан сўнг Хуррам ҳам куруққина: “Юрибмиз-да”, деб қўя қолди, Ҳамдамовнинг ёзғиришидан ранжиб.

Ҳамдамов шахмат тахтасига энкайган ҳамхоналари олдига келди.

— Келдингизми?— деди Турсун бош кўтармасдан.

— Келдим. И-и, ундай юрманг, чаток бўлади.

Исмоил хайрон бўлиб кўлини тортди:

— Нега?

— Фарзинингизни олиб қўяди бир юришдан кейин,— деди Ҳамдамов.

— Қанақасига?

— От билан шоҳ беради, фарзинга ҳам тушади.

Бу юриш Турсуннинг ҳам хаёлида йўқ эди чоғи, ўйланиб қолди. Исмоил пиёдани сурди.

— Боринг, аралашманг. Нукул шунақа қилиб одамни чалғитиб юрасиз,— деди Турсун,

Ҳамдамов индамади.

Муштдай болалар-а?! Шунақа ҳам без бўладими! Бир урсанг... Кайфиятни ҳам расво қилишди-да.

— Вой тирмизаклар-эй,— деди Ҳамдамов жаҳлини ютиб юбора олмай.

— Ким? — деб қизиксинди Хуррам.

Турсун Ҳамдамовга ялт этиб цараб қўйди.

— Ҳе, ҳозир кўчада келаётсам... Турсун, ҳар куни симёғоч тагида тўпланиб турадиган болалар бор-ку?..

— Ҳа-а,— деди Турсун тахтадан кўз узмай.— Очмас. Кўрмаяпсанми, руҳ турибди-ку. Ҳамсояларнинг болалари-да.

— Ўшалар.— Ҳикояси ҳеч кимни қизиктирмаёт-ганлигини сезса-да, Ҳамдамов гапида давом этди.— Келаётсам...

— Шоҳ!— деди Исмоил.

— Э-э, кўрмабмиз-да уни, — деди Турсун ва кафтларини бир-бирига ишқаб бургут қараш қилди.— Ҳозир, ҳозир! Шундай боплаймизки!

Орага жимлик чўкди. Ҳамдамов сиқилиб кетди. Ноилождан тахтага тикилди. Отни юрса... Нега ёмон кўришади уни? Тавба! Текканга тегиб, тегмаганга кесак отишади-я. Отни юрса шоҳни бекитиб руҳга ҳам тушар экан.

— Турсун, пиёдани сурунг,— деди Хуррам.

— Йўқ-йўқ,— дея яна аралашди Ҳамдамов.— Отни юриш керак.

— Тўхтанглар, бир ўзимга қарши неча киши?— деди Исмоил хафа бўлиб.

— Ўзим ҳозир отни юрмоқчи эдим,— деди Турсун хуноб бўлиб,— энди сиз ўргатган бўлиб чиқасиз.

— Ҳа майли, энди индамайман.

Ҳамдамов бошқа ўргатмасликка қарор қилди.

Филни ишлатиш керак энди. Ўзи ҳам латга-да, бўлмаса шу боладан дакки ейдими. “Боринг, акам, йўлингиздан қолманг”. Ҳақорат қияпти-ю, у эса...

— Жон дўстим, бориб мақолангизни ёзмайсизми!— деди Турсун ялиниб.

— Жим турибман-ку, ахир!—деди Ҳамдамов ўксиниб.— Нафасимни ҳам ичимга ютиб юрайми!

— Бари бир чалғитяпсиз-да одамни. Илтимос, боринг. Шу... тепамда турсангиз, негадир...

Ҳамдамов қаттиқ ранжиди: миқ этмай қараб турса ҳам Турсун асабийлашади-я. Бугун ҳаммага бир гап бўлганми ўзи!

Ҳамдамов ечинаётиб тошойнага ўғринча қаради. Елкалари кенг. Мушаклари ўйнаб турмаса ҳам бақувват, йўғон-йўғон. Бўйи ҳам у қадар дароз бўлмаса-да, ҳар қалай, баланд. Улар нимасига ишонди экан, а?

Ҳамдамов ҳаворанг спорт кийимини кийиб нариги хонага — “кабинет”ига ўтди. Анча ўтирди. Қўли ишга бормади. Кейин стол устидаги сочилиб ётган китобу қоғозларни йиғиштирди, кулдонни тозалади, латта хўллаб келиб столни артди: тартибни яхши кўради — уй кўкиб ётса, стол устида ортиқча нарсалар бўлса, ёза олмайди.

Ҳамдамов анча ўтирди. На бирон жумла ёзди, на бирон саҳифа ўқиди. Чекди, ёкмади: тутун томоғини ачиштирди. Кўчада чиқиши керак бўлган ғазабни шундан сўнг бирдан жунбушга келди.

Йўқ, бунақаси кетмайди. Бу, бу... қандай гап ахир! Ишхонада катта-катта одамлар ундан хайиқишади! Ҳамкасб тенгқурлари, Ҳамдамовнинг жаҳли чиқибди деб эшитсалар, ҳай-ҳайлашиб қолишади... Бошқа рақиб йўқмиди! Ҳозир чиқиб иккаловини ҳам дабдала қилади. Жуда бўлмаса қаттиқрок танбеҳ бериб қўяди. Маъсуда келмоқчи бўлиб юрган эди. Бирга келишаётганда бу болакайлар албатта гап отишади. Ана ўшанда изза бўлади. Маъсуда эса уни ҳеч кимдан кўркмайди деб ўйлайди. Ўтиришда кўполрок ҳазил қилгани учун Ҳалимовни урмоқчи бўлганида, Маъсуда уни хонасига камаб, бир соатча авраб, тинчитган эди, “Сариқ эмассиз-у, ғазабингиз мунча тез!..” Шундан бери Ҳалимов бечора ундан юрак олдириб қўйган... Одам куриб кетгандай шу тирмизаклар!

Ҳамдамов шартта ўрнидан турдию бир муддат ўйланиб қолди. Кейин вазмин қадам ташлаганча, ҳамхоналарига ҳеч нарса демай, шиппагини тақиллатиб кўчага йўналди. Йўл-йўлакай сигарет тутатди.

Улар кўпайишиб қолибди. Ҳамдамов санади: бешов. Бешовига ҳам бас келади — бари ушоқ эди.

Ўсмир Ҳамдамовга орқа ўгирганча ёнидагиларга, кўлларини ҳаволатишига қараганда, алланарсаларни куйиб-пишиб уқтирарди шекилли, бояги шериги унга им қоқиб, Ҳамдамов томонга ишора қилгач, бурилиб қаради, кейин саросималаниб ёнидагилар билан кўз уриштирди.

Ўсмирлар Ҳамдамовнинг рўпарасида ярим доира бўлиб турардилар.

Кўришиш керакми, йўқми? Ишни нимадандир бошлаш керак-ку. Ҳе йўқ, бе йўқ, бирдан мушт кўтариш ақлга сиғмайди. Спорт кийимида, тайёрланиб,

чаққон бўлиб келибди деб ўйлашмасмикин? Майли, зарари йўқ, оёғидаги шиппак буларни менсимаслигини кўрсатади.

Уларнинг олдига боргач, Ҳамдамов четдаги болага қўл чўзди. Икинчиси билан ҳам кўришиб, учинчиси — боя “қамаб қўймадингиз-ку уни”, деб қичқирганига қўл узатган эди, у шошилиб қолдими, негадир ҳадеганда, қўли ёпишиб қолгандек, шимининг киссасидан чиқавермади. Ҳамдамов ҳам қўлини тортмай унга тикилган қўйи тураверди. Ниҳоят бола илтифот билан қўш қўллаб кўришди, қироат билан “Ассало-му алайкум” деб қўйди.

Жўрттага шундай қилди шайтон!

Ҳамдамов энди нима дейишини билмай боши ғовлаб турарди. Ўсмир унга чўчинқираб тикиларди. Бошқалар ҳам жим эди.

Ҳамдамов ўпкасини тўлдириб сигарет тортди, буруқситиб тутун кайтарди: томоғи қичишмаса ҳам йўталиб қўйди.

— Хўш,— деди у ўсмирга.

Ўсмир индамай қараб тураверди. Бўйи қарийб баравар экан-да.

— Мен сенга нима ёмонлик қилдим,— деб Ҳамдамов ўсмирнинг тирсагидан тутди.— Ҳар куни шу ердан ўтаман, эрталаб, кечқурун... Кўрган бўлсанг керак?

Ўсмирнинг кўзларида истехзо чакнаб кетди.

— Қўлни қўйворинг, қўлни,— деди дағаллик билан.

Ҳамдамов берухсат иш қилиб танбеҳ эшитган боладай, шоша-пиша қўлини тортди.

— Ука,— деди,— биронталарингга зарарим тегдими ё хафа қилдимми? Нега унда менга бунақа гапирасан?

Ўсмир укасининг шикоятини эшитаётгандек, қуш боқиш қилиб қакқайиб турарди.

Ҳамдамов негадир эзилиб, гапида давом этди

— Текканга тегиб, тегмаганга кесак отасан. Ураман, дейсан. Мен сендан катта бўлсам, сен мендан кичик бўлсанг. Мен ҳам сенга тенгқур бўлганимда бошқа гап эди. Ҳозир сендан ўн ёш катта бўлиб қандай ёқалашаман? Одамлар кулмайдимми?.. Уят, ука, уят! Ўзингдан каттани ҳурмат қилишинг керак.

Ҳамдамов қолганларга мурожаат қилди:

- Тўғрим, йигитлар?

- Тўғри, - дея илиб кетди “қамаб қўймадингиз-ку”, дегани. - Зоир, нега бу акамни ҳурмат қилмайсан?

Ўсмир тиржайиб қўйди.

Энди муштлашиб бўлмайди.

- Нега майнавозчилик қиласан? Мен жиддий гапиряпман, - деди Ҳамдамов.

- Мен ҳам жиддий айтяпман-да, - дея бидирлади бола. - Ахир, ростдан ҳам, у сизни ҳурмат қилмаяпти-ку. Мен унга одобли бўл, ўзингдан каттага бунақа қилма, деб насихат ўқияпман-да.

Ҳамдамов бу гапларнинг маънисини тушуниб, из-за бўлди, гўё болага эътибор бермагандай, яна ўсмирга ўтирилди.

- Иккаламиз катта кўчада ёқалашиб юрсак яхшими, ука? Яхши эмас-да. Сенинг оғайнилариңг бўлса, менда ҳам бор...

Нималар деяпти ўзи! Бирга-бир чиқса кучи етмайдими бу тирмизакка!

Ҳамдамов ноўрин гапирганини англаб, энди нима дейишини билмай, тўхтаб қолди.

- Менга қаранг, - деди ўсмир, Ҳамдамов унга қараб турган бўлса ҳам. - Мундай тушунтириброқ гапиринг, нима демоқчисиз ўзи? Агар мен билан чиқиш ниятингиз бўлса...

Нега бунча ўзига бино қўйган, а? Ахир, ўз-ўзидан кўриниб турибди-ку: Ҳамдамов уни мажақлаб ташлаши мумкин.

Лекин, кейин... безори акаларини бошлаб келмоқчимми? Ҳамдамов улардан кўрқмайди-ю, бироқ бу ҳовлидан ҳам кўчиши керак бўлади.

- Қўйсанг-чи бунақа гапларни, - деди Ҳамдамов яраш оҳангида, гўё сулҳ садақа қилаётгандек. - Мен тескарисини айтаяпман. Жанжал нимага керак, иккаламизга ҳам ярашмайди...

Кейин ҳаммалари жим қолишди. Ҳамдамов яна нима дейишини билмай, бир оз ўйланиб турди-да, уларга ҳеч гап айтмасдан, келган йўлига равона бўлди.

Унинг кўнгли ғаш, ютқизганини ҳис қилиб, эзилар эди.

Агар ҳозир болалар кулса ёки намойишкорона йўталиб қўйишса ҳам Ҳамдамов қайтиб бормас эдн, эринарди.

Итдай қилишди-да. “Нима демоқчисиз”, деб муштлашишга чорлади-я. У эса шармандаларча чекинди. Чиқиб таъзирини бераман деб, баттар бўлиб қайтаяпти. Иккаловини ҳам дабдала қилармиш-а! Билагида кучи бўла туриб чекинди-я. Жанжалнинг ҳадисини билмас экансан, уйда ўтирмайсанми!

Ҳамдамов уйга яқинлашган сари жаҳли чиқиб, ўзини ўзи тузларди.

Муштлашиш ҳайвоний иллат, йиртқичлик, зиёли одамга ёт деб, бировнинг бурнини ҳам қонатмадинг. Ҳалимовни урмоқчи бўлганиңг ҳам артистлик эди, шунчаки Маъсуданиңг олдида ўзингни кўрсатмоқчи эдинг... Сен ҳеч кимга қўл кўтармадинг, бирон кимса ҳам сени урмади. Икки марта бошлаб калтаклашганда эди, кўзинг очиларди, кўкайингда ўт бўларди, ўт!

Ҳозиргидек туядан тушган жабдукдек бўлмасдинг, қиличинг синиб, калқонинг тешилиб қайтмасдинг.

Ҳамдамов ҳовлига кирганда дум-думалоқ кучукбола пилдираб келиб оёқларига суйкалди. Ҳамдамов сигарет тутатди-да, яна ўйлай кетди.

Нима ҳам қилсин, китоб ўқишни, диссертация ёзишни тўхтатиб қўйиб, безориликни, муштлашиш илмини ўргансинми? Фан соҳасида у дадил-ку, ахир! Илмий жасорат ҳам йигитнинг кўрки эмасми! Иложи қанча - кундалик, майда-чуйда жасорат қўлидан келмайди, унга керак ҳам эмас.

Ҳамдамов уйга кирди.

Мана, муштлашишни семиз бўлса ҳам Хуррамлар учун чиқарган. Булар шу учун яратилган - талашиб-тортишиб ҳақларини юлиб олишмаса, қурук қоладилар.

- Э-э, бориб келдим, - деди Ҳамдамов Хуррамга.

- Қаёққа!

- Бояги чурвақаларнинг олдига-да, қаёққа бўларди! Менга ўчакишма, иккинчи марта бунақа қилсанг, кунингни кўрсатаман, дедим.

Негадир шу топда Ҳамдамов Хуррамга ёлғон гапиришга ўзини ҳақли деб билди.

Исмоил тахтадан кўз узмай:

- Эринмаган одамсиз-да, - деб қўйди.

- Шох! -деб қичқирди Турсун ва чапак чалиб юбордн.— Мот экан-ку! Мот, укам, мот!

Исмоил Турсуннинг ирғишлашига эътибор бермай, бошини чангаллаганча шахмат тахтасига термиларди.

Ҳаммалари тахтага энгашдилар.

- Мот эмас,— деди Ҳамдамов бир оздан кейин.— Битта йўл бор ҳали.

Исмоилга жон кирди:

- Қани?

- Ўзингиз топинг!